

3 кўра.

+

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ



Рўйхатга олинди:

№БД – 5230900 – 18.08.

201 9 йил "17" 08

"4" 10

АУДИТ
ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	200 000	-Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ;
Таълим соҳаси:	230 000	-Иқтисод;
Таълим йўналишлари:	5111000	-Касб таълими (5230900-Бухгалтерия ҳисоби ва аудит);
	5230700	-Банк иши;
	5230800	-Солиқ ва солиққа тортиш;
	5230900	-Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича);

Тошкент – 2019

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2019 йил “17” 08 даги 4 -сон баённомаси билан маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил “4” 10 даги 892 - сон буйруғи билан маъқулланган фан дастури таянч олий таълим муассасаси томонидан тасдиқлашга розилик берилган.

Фан дастури Тошкент молия институтида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:	Авлоқулов А.З.	- ТМИ, “Аудит ва иқтисодий таҳлил” кафедраси доценти, и.ф.д.
	Хожиев М.С.	-ТМИ, “Аудит ва иқтисодий таҳлил” кафедраси катта ўқитувчиси, PhD.
	Авазов И.Р.	-ТМИ, “Аудит ва иқтисодий таҳлил” кафедраси катта ўқитувчиси
Такризчилар:	Каримов Н.Ф.	Ўзбекистон Аудиторлар Палатаси Марказий Кенгаши раиси, и.ф.д. (кадрлар буюртмачиси)
	Мукумов З.Х.	–ТДИУ, “Иқтисодий таҳлил ва аудит” кафедраси мудири, и.ф.н. (турдош ОТМдан)

Фан дастури Тошкент молия институти Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2019 йил “05” 07 даги 11 - сонли баённома).

I. ЎҚУВ ФАНИНИНГ ДОЛЗАРЪЛИГИ ВА ОЛИЙ КАСБИЙ ТАЪЛИМДАГИ ЎРНИ

Ушбу фан иктисодиёт тармоқларида аудитнинг касбий фаолияти, аудитнинг назарияси, аудиторлик фаолияти, аудиторлик текшируви, бошқа хизмат кўрсатиш соҳаларида аудит фанларини ўрганишда умумий маълумотларни камраб олган. Ўзбекистон Республикасида олий таълимнинг ўрни, Тошкент молия институтининг фаолияти, олий ўқув юртларидаги ўқиш жараёнини ташкил этишнинг илмий асослари, мустақил иш ва талабалар меҳнатини илмий ташкил этиш, талабаларнинг илмий-тадқиқот ишини ташкил этиш, аудиторлик касбининг тарихий ривожланиши, аудиторлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари, аудит касбига қўйиладиган талаблар, аудит фанига кириш, аудиторлик фаолияти, аудиторлик текширувларини ташкил этиш, аудиторлик фаолиятини меъёрий тартибга солиш ва уларнинг амалдаги ижросини таъминлаш, аудиторлик текширувларида далиллар олиш, аудиторлик текширувларини ташкил этиш ва аудиторлик малака сертификатини олиш ва унга қўйиладиган талаблар, аудитнинг халқаро стандартлари, асосий воситалар, номоддий активлар аудити, инвестициялар аудити, материаллар аудити, тайёр маҳсулот (товар, иш, хизмат)лар ва уларнинг сотилишини аудити, пул маблағлари ва улар билан ҳисоблашишлар аудити, меҳнат ва иш ҳақи муомалари аудити, мажбуриятлар аудити, хусусий капитал аудити, молиявий натижалар аудити, молиявий ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш муомалалари аудити, харажатларни туркумлаш ва баҳолаш уларнинг аудити, маҳсулот таннаркини муомалалари аудити, бюджетлаштириш ва харажатлар аудитини ўтказиш, Ўзбекистон Республикасида ички аудит хизматини ташкил этиш ва уни ривожлантириш йўналишлари бугунги кунда бухгалтерия ҳисобини ривожланишга олиб келади ҳамда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий жихатдан тараққий этишига хизмат қилади.

Талабаларнинг ушбу фанни чуқур ўрганиши аудит фани назарияси, аудиторлик текширувларини ташкил этиш, даромадлар ва харажатлар ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар аудити мавзулари ҳамда ҳўжалик субъектлари молиявий ҳисобот аудитини ташкил этишда замин бўлиб хизмат қилади.

Ушбу “Аудит” фани “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” таълим йўналиши ўқув режаси таркибида модулли тизими асосида аудитнинг назарий асослари, активлар ва мажбуриятлар аудити, хусусий капитал шаклланиши ҳамда даромадлар ва харажатлар аудити комплекс равишда ўрганилишини назарда тутади.

II. УЌУВ ФАНИНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАСИ

“Аудит” фанининг асосий мақсади – талабаларда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-ҳўжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш, молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик ҳулосаси ҳамда ҳисоботини расмийлаштириш, аудитнинг профессионал хизматларини кўрсатиш бўйича назарий ва амалий билимларни шакллантиришдан иборат.

Фаннинг вазифаси – талабаларга Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини ташкил қилишнинг ҳуқуқий ва ташкилий асослари; аудиторлик касбига малакавий ва ахлоқий талаблар; аудитда муҳимлик тушунчаси ва аудиторлик rischi; аудиторлик текширишни режалаштириш; аудиторлик текшириш вақтида бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини ўрганиш ҳамда баҳолаш; аудиторлик далиллар; эксперт ишларидан ва бошқа аудиторлик ташкилоти маълумотларидан фойдаланиш; аудиторлик танлаш; аудиторлик ҳисоботи ва ҳулосаси; узоқ муддатли активлар аудити; жорий активлар аудити; мажбуриятлар аудити; ҳусусий капитал ҳамда даромадлар ва харажатлар аудити ҳақида қуйидаги назарий-амалий билимларни ўргатишдан иборат:

Талаба:

- аудиторнинг касбий фаолияти;
- аудит фанининг объекти, предмети ва усуллари;
- аудиторлик фаолиятини ташкил қилишнинг ҳуқуқий ва ташкилий асослари;
- аудиторлик касбига малакавий ва ахлоқий талаблар;
- аудитда муҳимлик тушунчаси ва аудиторлик rischi;
- аудиторлик текширувларини режалаштириш;
- аудиторлик далиллар;
- аудиторлик текширувларини яқуний босқичи;
- аудиторлик ҳисоботи ва ҳулосасини тузиш;
- узоқ муддатли активлар аудити;
- жорий активлар аудити;
- мажбуриятлар аудити;
- ҳусусий капитал аудити;
- даромадалар ва харажатлар аудитининг ҳусусиятлари ҳақида тасаввурга эга бўлиши;

Талаба:

- аудиторлик текширувини ўтказиш усулларини;
- аудиторлик танлаш усулларини;
- аудиторлик ташкилотининг ишчи ҳужжатларини;
- аудиторлик текширувларида таҳлилий амалларни қўллашни билиши ва улардан фойдалана олиши;

Талаба:

- аудитда муҳимлик ва риск даражаларини аниқлаш;
- аудиторлик текширувини режалаштириш;
- аудитда ички назорат тизимини ўрганиш ва баҳолаш;

- бизнес жараёнлар бўйича аудиторлик текширувни ташкил этиш;
- аудиторлик текшируви якуни бўйича ишчи хужжатларни шакллантириш;
- аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосасини тайёрлаш ва тузиш *қўнималакаларига эга бўлиши керак.*

III. ФАНИИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ҲАМДА ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ

Фанни ўқитишда интерфаол, коммуникатив, перцептив ёндашувлардан максимал даражада фойдаланиш, ўқув адабиётларидан ташқари аутентик материаллар: аудио, видео, журналлар, интернет манбаларидан ўзлаштирилган билимлар мажмуасини амалиётда кузатилаётган далил ва ҳодисаларга боғлай олиш, олинган натижаларни баҳолаш, таҳлил қилиш орқали касбий фаолият учун зарур бўлган билим, малака ва компетенцияларни инновацион тафаккур лаёқати негизда шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади.

Юкоридагилардан келиб чикиб, ўқув машғулотларини лойиҳалаш жараёнида:

- мезонни танлаш;
- ўқув мақсадларини тоифалаш;
- ўқув материалларини модуллаштириш;
- уларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва қайта ишлаш;
- ўрганиш натижаларини аниқлаш каби омилларга қаратиш орқали таълим олувчида назарий билимлар пухта эгалланиши ҳамда уларни амалиётда қўллаш қўнимасини шакллантириш, мустақил таълимни самарали ташкил этиш талаб этилади.

IV. АСОСИЙ НАЗАРИЙ ҚИСМ (МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИ)

АУДИТ (1-МОДУЛ) АУДИТНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1-мавзу. Аудитга умумий тавсиф

Аудитнинг моҳияти ва ривожланиш тарихи. Аудитнинг мақсади ва вазифалари. Аудитнинг ривожланиш босқичлари. Тасдиқловчи аудит. Мақсадли системали аудит. Таваккалчиликка асосланган аудит. Ўзбекистон Республикасининг молиявий назорат тизимида аудитнинг тутган ўрни. Аудит ва бухгалтерия ҳисобининг фаркли жиҳатлари. Аудитнинг турлари ва шакллари. Мос келувчанлик аудити. Операцион аудит. Молиявий ҳисобот аудити. Ички аудит. Ташқи аудит. Аудит хизматлари бозори.

2-мавзу. Аудиторлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари

Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун ва бошқа норматив - ҳуқуқий ҳужжатлар шарҳи. Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш тартиби. Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензия бериш, лицензия беришни рад этиш, лицензиянинг амал қилиш муддатини тўхтатиш, бекор қилиш, тўхтатиб туриш ёки амал қилишини тиклаш. Аудиторлик касбига қўйиладиган малакавий талаблар. Аудитор малака сертификатини бериш, амал қилиш муддатини узайтириш, қайта расмийлаштириш ва дубликатини бериш тартиби. Аудиторлик фаолиятини тартибга солишда профессионал ташкилотлар роли.

3-мавзу. Аудит стандартлари

Аудит стандартлари ҳақида тушунча ва уларнинг аҳамияти. Аудиторлик текширувини ташкил этиш билан боғлиқ стандартлар. Аудиторлик текширувини ўтказиш билан боғлиқ стандартлар. Аудиторлик текширувини яқунлаш билан боғлиқ стандартлар.

4-мавзу. Аудиторнинг касб этикаси

Этика ҳақида тушунча. Аудитнинг ахлоқ кодекси ва унинг мақсади. Ахлоқ кодексининг асосий талаблари. Аудитнинг ахлоқ кодекси тамойиллари. Аудитор ахлоқи (этикаси). Виждонлилик ва объективлик. Профессional компетентлилик. Махфийлик. Омма учун ахборотни тақдим этиш. Бошқа аудиторлар билан муносабатлар. Аудиторлик ташкилоти ва аудиторларнинг мустақиллиги. Умуминсоний ахлоқ қоидалари ва маънавий меъёрларга риоя қилиш. Аудиторнинг ҳолислиги ва касбий ваколатлилиги. Аудитор ишларининг сифатини назорат қилиш. Дастлабки, жорий ва кейинги назорат.

5-мавзу. Аудиторлик текширувини режалаштириш

Аудиторлик текширувини режалаштиришнинг тамойиллари ва босқичлари. Аудит қилишуви шартларини қилишиш. Миқдори жалб қилиш ва дастлабки режалаштириш. Аудитнинг умумий режасини тузиш. Аудит дастурини тузиш. Ўйғунлик, узлуксизлик ва мақбуллик тамойиллари. Корхонани аудиторлик текширувидан ўтказиш ишчи дастури ва аудиторлик хизмати кўрсатиш ҳақида шартнома ҳамда бошқа зарур ҳужжатларни тузиш.

6-мавзу. Аудиторлик текширувида муҳимлик ва риск

Аудитда муҳимлик. Муҳимлик даражасини аниқлашда базавий кўрсаткичлар тизимини шакллантириш тартиби. Муҳимлик даражасини аниқлаш тартиби ва уни аудитда қўллаш. Муҳимлик даражасини аудитда қўллаш тартиби. Аудиторлик rischi ва унинг юзага қилиш сабаблари. Аудиторлик riskларнинг мақбул тўплами. Аудиторлик riskлар мақбул тўплагининг элементларини баҳолаш. Аудиторлик riskини аниқлаш модели. Аудиторлик riskига таъсир қилувчи омиллар. Муҳимлик даражаси ва аудиторлик riskи тушунчаларининг ўзаро боғлиқлиги.

7-мавзу. Аудиторлик текширувида фирибгарликни аниклаш

Фирибгарлик тушунчаси. Фирибгарлик учбурчаги. Фирибгарлик оқибатидаги муҳим бузиб кўрсатишнинг рискини аниклаш ва баҳолаш. Молиявий ҳисоботдаги фирибгарликлар. Фирибгарликни олдини олиш ва аниклаш. Фирибгарлик аниқланганида аудиторнинг ҳатти-ҳаракати. Аудитор учун келишувни давом эттириш имконсизлиги.

8-мавзу. Аудиторлик текшируви вақтида ички назорат тизимини ўрганиш ҳамда баҳолаш

Текшириладиган корхона (мижоз) фаолиятини ўрганиш. Бухгалтерия ҳисобининг ташкил етилишини ўрганиш. Корхона бухгалтериясининг ташкилий тузилмаси, ташкилий тузилмада кўрсатилган ҳар бир ходимнинг вазифалари ва масъулиятларининг баёни; ҳисоб циклининг муҳим участкалари бўйича ҳужжатлар айланиш режа-графикни текшириш. Корхона ҳисоб сиёсатини ўрганиш. Ички назорат тизимини ташкил етишда қўйиладиган мақсадлар. Ички назорат тизимининг моҳияти ва уни ўрганишдан мақсад. Ички назорат тизимининг элементлари. Ички назорат тизимини ўрганиш ва баҳолашни ҳужжатлаштириш. Аудит стратегиясини ишлаб чиқиш. Назорат рискин баҳолаш.

9-мавзу. Аудиторлик далиллар

Аудиторлик далилларининг моҳияти ва унинг ишончлилигини белгилловчи мезонлар. Аудиторлик далилларини олиш амаллари. Эксперт ишларидан далил сифатида фойдаланиш. Бошқа аудитор ишларидан фойдаланиш. Далилларни аудиторлик ташкилотининг ишчи ҳужжатларида акс эттириш.

10-мавзу. Таҳлилий амаллар

Таҳлилий амалларни қўллаш мақсадлари. Моҳияти бўйича текшириш таҳлилий амаллари. Таҳлилий амалларнинг турлари. Умумий хулосани чиқариш жараёнидаги таҳлилий амаллар. Аудиторнинг таҳлилий тадбирларнинг бажарилиш натижалари бўйича фаолияти.

11-мавзу. Аудиторлик танлаш

Аудиторлик танлаш ҳақида умумий тушунча ва унинг моҳияти. Танлашни ташкил етиш ва танлаш ҳажми. Ҳисобот моддаларини тестлаш учун танлаб олиш. Четга чиқишлар ва бузиб кўрсатишлар хусусияти ва сабаблари. Танлаш ҳажми. Танлаш бирлиги. Танлашни белгилаш усуллари. Стратификация ва қиймат бўйича тортилган танлаш. Статистик ва ностатистик танлаш. Атрибутив танлаш. Бузиб кўрсатишларни жамланмага татбиқ етиш. Танлашда дастурий таъминотни қўллаш.

АУДИТ (2-МОДУЛ)

АКТИВЛАР ВА МАЖБУРИЯТЛАР АУДИТИ

12-мавзу. Аудиторлик текширувнинг якуний босқичи

Аудиторлик текширувлар натижаларини умумлаштириш ва баҳолаш. Аудиторлик ҳисоботи ва унинг таркиби. Аудиторлик ҳулосаси ва унинг турлари. Ижобий фикр. модификацияланган фикр. Изоҳлар билан фикр билдирилган аудиторлик ҳулосаси фикр билдириш рад етилган аудиторлик ҳулосаси тушунтириш қисми киритилган изоҳлар билан фикр билдирилган аудиторлик ҳулосаси. Аудиторлик ҳулосасининг таркиби. Аудиторлик ҳулосасининг махсус қисми. Аудиторлик ҳулосасининг тушунтириш қисми. Аудиторлик ҳулосасидаги сана ва имзолар. Аудиторлик ҳулосасини тақдим этиш.

13-мавзу. Таъминот жараёни аудити

Таъминот жараёни аудитини ташкил қилиш. Мол етказиб берувчи ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар аудити. Асосий воситалар қиримиға доир муомалаларни ҳужжатлаштириш, счётларда акс эттиришнинг тўғрилигини текшириш. Номоддий активлар қирими ҳисоби тўғрилигини текшириш. Товар-моддий заҳиралар қирими ҳисобини текширишнинг хусусиятлари. Товар-моддий заҳираларни қирим қилиш ва ишлаб чиқаришға сарфлаш вақтида баҳолашнинг тўғрилигини текшириш.

14-мавзу. Ишлаб чиқариш жараёни аудити

Ишлаб чиқариш жараёнининг мазмуни. Корхона фаолиятида ишлаб чиқариш жараёни аудитининг мақсади, вазифалари ва ахборот манбалари. Корхонада ишлаб чиқариш харажатлари аудитини ўтказишни режалаштириш. Корхона фаолиятида ишлаб чиқариш харажатлари аудитини ўтказиш тартиби. Текширув жараёнида олинган маълумотлар асосида ишлаб чиқариш харажатлари аудити натижаларини умумлаштириш.

15-мавзу. Меҳнат ҳақи ҳисоби ва тўлаш жараёни аудити

Ходимлар билан ҳисоб-китоблар аудитининг меъёрий асослари. Акциодорлик жамиятларида меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар аудитининг мақсади, вазифалари ва манбалари. Меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар аудитини режалаштириш босқичи. Ходимлар билан меҳнат ҳақи ва бошқа муомалалар бўйича ҳисоб-китобларни текшириш.

АУДИТ (3-МОДУЛ)

ХУСУСИЙ КАПИТАЛНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ҲАМДА ДАРОМАД ВА ХАРАЖАТЛАР АУДИТИ

16-мавзу. Хусусий капитал шаклланиши ва таъсисчилар билан ҳисоблашишлар аудити

Устав капиталини текширишнинг мақсад ва вазифалари. Таъсис ҳужжатларини текшириш. Дастлабки ҳужжатларни текшириш. Синтетик ва

аналитик ҳисоб регистрларини текшириш. Қўшилган капитални текшириш. Заҳира капиталини текшириш. Тақсимланмаган фойдани текшириш.

17-мавзу. Даромадлар ва харажатлар аудити

Ҳўжалик юритувчи субъектлар молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими. Махсулотларни сотиш ва молиявий натижаларнинг ўзаро боғлиқлиги. Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар аудити. Махсулот сотишдан олинган ялпи фойдани текшириш. Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадларни текшириш. Якуний молиявий натижа аудити.

V. Амалий машғулотларлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотларини ўтказишда қуйидаги дидактик тамойилларга амал қилинади:

- амалий машғулотларнинг мақсадини аниқ белгилаб олиш;
- ўқитувчининг инновацион педагогик фаолияти бўйича билимларни чуқурлаштириш имкониятларига талабаларда қизиқиш уйғотиш;
- талабада натижани мустақил равишда қўлга киритиш имкониятини таъминлаш;
- талабани назарий-методик жиҳатдан тайёрлаш;
- амалий машғулотлар нафакат аниқ мавзу бўйича билимларни яқунлаш, балки талабаларни тарбиялаш манбаи ҳамдир.

Амалий машғулотлар бўйича қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

АУДИТ (1-МОДУЛ) АУДИТНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1. Аудитга умумий тавсифи.
2. Аудиторлик фаолиятининг меъёрий - ҳуқуқий асослари.
3. Аудитнинг халқаро стандартлари.
4. Аудиторнинг касб этикаси.
5. Аудиторлик текширувини режалаштириш.
6. Аудиторлик текширувида муҳимлик ва риск.
7. Аудиторлик текширувида фирибгарликни аниқлаш.
8. Аудиторлик текшируви вақтида ички назорат тизимини ўрганиш ҳамда баҳолаш.
9. Аудиторлик далиллар.
10. Таҳлилий амаллар.
11. Аудиторлик танлаш.

АУДИТ (2-МОДУЛ) АКТИВЛАР ВА МАЖБУРИЯТЛАР АУДИТИ

1. Аудиторлик текширувининг якуний босқичи.
2. Аудиторлик текширувлар натижаларини умумлаштириш ва баҳолаш.
3. Аудиторлик ҳисоботи ва унинг таркиби.

4. Аудиторлик хулосаси ва унинг турлари.
5. Ижобий фикр ва модификацияланган фикр.
6. Изохлар билан фикр билдирилган аудиторлик хулосаси фикр билдириш рад этилган аудиторлик хулосаси тушунтириш қисми қиритилган изохлар билан фикр билдирилган аудиторлик хулосаси.
7. Аудиторлик хулосасининг таркиби.
8. Аудиторлик хулосасининг махсус қисми. Аудиторлик хулосасининг тушунтириш қисми.
9. Аудиторлик хулосасини тақдим этиш.
10. Таъминот жараёни аудити.
11. Ишлаб чиқариш жараёни аудити.
12. Меҳнат ҳақи ҳисоби ва тўлаш жараёни аудити.

АУДИТ (3-МОДУЛ) **ХУСУСИЙ КАПИТАЛНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ҲАМДА** **ДАРОМАД ВА ХАРАЖАТЛАР АУДИТИ**

1. Устав капитални текширишнинг мақсад ва вазифалари
2. Хусусий капитал шаклланиши аудити.
3. Таъсисчилар билан ҳисоблашишлар аудити.
4. Қўшилган капитални текшириш.
5. Заҳира капитални текшириш.
6. Таксимланмаган фойдани текшириш.
7. Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими.
8. Махсулотларни сотиш ва молиявий натижаларнинг ўзаро боғлиқлиги аудити.
9. Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар аудити.
10. Махсулот сотишдан олинган ялпи фойдани текшириш.
11. Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадларни текшириш.
12. Якуний молиявий натижа аудити.

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

АУДИТ (1-МОДУЛ) **АУДИТНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

1. Ўзбекистон Республикаси молиявий назорат тизимида аудитнинг тутган ўрни.
2. Аудиторлик ташкилотларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарликлари.
3. Аудиторлик ташкилотларининг профессионал хизматлари.
4. Аудитор иши сифатини назорат қилиш.
5. Аудиторлик текшируви ишчи дастури.
6. Ички назорат тизимини ўрганиш.
7. Аудиторлик ташкилотининг иш ҳужжатлари.

8. Аудиторлик далиллари.
9. Бошқа аудиторларнинг иши натижаларидан фойдаланиш.

АУДИТ (2-МОДУЛ) **АКТИВЛАР ВА МАЖБУРИЯТЛАР АУДИТИ**

1. Аудиторлик текширувлар натижаларини умумлаштириш ва баҳолаш.
2. Хўжалик усули ва пудрат усулида бажарилган таъмирлаш ишлари аудитининг хусусиятлари.
3. Номоддий активларга амортизация ҳисоблаш ва ҳисобда акс эттиришнинг тўғрилигини текшириш.
4. Молиявий инвестицияларнинг даромадлилиги, олинган даромадларнинг тулик акс эттирилиши ва солиққа тортилишини текшириш.
5. Тугалланмаган ишлаб чиқаришни текшириш.
6. Тайёр маҳсулотларни жўнатиш бўйича муомалалар тўғрилигининг аудити.
7. Банкдаги махсус счётлардаги пул маблағлари синтетик ҳисобининг тўғрилиги ва тулиқлигини текшириш.

АУДИТ (3-МОДУЛ) **ХУСУСИЙ КАПИТАЛНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ҲАМДА** **ДАРОМАД ВА ХАРАЖАТЛАР АУДИТИ**

1. Таъсис ҳужжатларини текшириш.
2. Дастлабки ҳужжатларни текшириш.
3. Синтетик ва аналитик ҳисоб регистрлари аудити.
4. Давр харажатларини текшириш.
5. Молиявий фаолият бўйича олинган даромадлар аудити.
6. Молиявий фаолият бўйича килинган харажатлар аудити.
7. Соф фойда (зарар) шаклланиши аудити.

VII. ФАН БЎЙИЧА КУРС ИШИ (ЛОЙИХАСИ)

“Аудит” фанидан курс иши муаяйн мавзу бўйича умумий яхлитликка эга илмий-амалий фикрларни акс эттирувчи лойиҳавий иш ҳисобланади. Курс иши аудиторлик фаолиятига доир масалаларни акс эттиришга мос келиши талаб этилади.

Курс ишини ҳимоя қилишга қуйидаги умумий талаблар қўйилади:

- муаммони библиографик таҳлил қилиш;
- чизма ва жадвалларни муайян тизимга келтирилган ҳолда расмийлаштириш;
- тўпланган материалларни танқидий ўрганиш;
- таклиф ва тавсияларни асослаб бериш;
- фикрни кетма-кетликда, муаяйн изчилликда баён қилиш;
- курс ишини қўйилган талаблар бўйича расмийлаштириш.

Курс иши учун тахминий мавзулар:

АУДИТ (1-МОДУЛ) АУДИТНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1. Аудитнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши.
2. Аудиторлик фаолиятининг ривожланиш босқичлари.
3. Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини ташкил қилишнинг ҳуқуқий асослари.
4. Аудиторлик ташкилотларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарликлари.
5. Аудиторлик касбига малакавий талаблар ва аудиторлик фаолиятини лицензиялаш.
6. Аудиторлик касбининг ахлоқий талаблари.
7. Аудиторлик фаолиятининг ташкилий асослари.
8. Ички аудитни ташкил этиш асослари.
9. Аудитда муҳимлик даражасини аниқлаш.
10. Аудиторлик rischi, унинг элементлари ва уларни баҳолаш.
11. Аудиторлик текширувини режалаштиришнинг мақсади ва унинг босқичлари.
12. Корхонани аудиторлик текширувидан ўтказиш ишчи дастури.
13. Аудиторлик текшириш вақтида бухгалтерия ҳисоби тизими ва ички назоратни ўрганиш ҳамда баҳолаш.
14. Аудиторлик далиллар ва уларни олиш усуллари.
15. Аудиторлик текширувида таҳлилий амалларни қўллаш.
16. Аудиторлик текширувида эксперт ишларидан фойдаланиш.
17. Аудитда бошқа аудиторларнинг иши натижаларидан фойдаланиш.
18. Аудиторлик танлаш услубини шакллантириш, танлаш хатарлари ва натижаларни баҳолаш.
19. Аудиторлик ҳисоботи ва унинг таркиби.
20. Аудиторлик хулосаси ва унинг таркиби.

АУДИТ (2-МОДУЛ) АКТИВЛАР ВА МАЖБУРИЯТЛАР АУДИТИ

21. Асосий воситалар аудити.
22. Ижара муомалалари аудити.
23. Капитал қўйилмалар аудити.
24. Номоддий активлар аудити.
25. Молиявий инвестициялар аудити.
26. Товар-моддий захиралар аудити.
27. Корхона ишлаб чиқариш харажатлари аудити.
28. Махсулот сотилиши ва у билан боғлиқ муомалалар аудити.
29. Касса ва касса муомалалари аудити.
30. Банкдаги сўтларга доир муомалалар аудити.

31. Мехнат хақи бўйича ҳисоб-китоблар аудити.
32. Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоблашишлар аудити.
33. Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоблашишлар аудити.
34. Бюджет билан ҳисоб-китоблар аудити.
35. Мақсадли тушумлар ва фондларга доир ҳисоблашишлар аудити.
36. Банк кредитлари бўйича ҳисоблашишлар аудити.

АУДИТ (3-МОДУЛ)

ХУСУСИЙ КАПИТАЛНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ҲАМДА ДАРОМАД ВА ХАРАЖАТЛАР АУДИТИ

37. Корхона хусусий капитали аудити.
38. Асосий фаолиятдан олинган даромадлар аудити.
39. Давр харажатлари аудити.
40. Солиқлар ва мажбурий тўловлар аудити.

**Фаннинг ишичи ўқув дастуруни ишлаб чиқишида курс иши мавзуларида қўшимча ва ўзгаришлар киритилиши мумкин.*

VIII. АСОСИЙ ВА ҚЎШИМЧА АДАБИЁТЛАР ҲАМДА АХБОРОТ МАНБАЛАРИ

АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР

1. Подольский В. Аудит. Учебник. – М.: Изд. Юрайт, 2010. – 605 стр.
2. Хайдаров Р., Файзиев Ш. Внутренний аудит. Учебное пособие. –Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2013. -212 с.
1. Qo‘ziyev I.N., Fayziev Sh.N., Avloqulov A.Z., Sherimbetov I.X. Ichki audit. O‘quv qo‘llanma. -T.: IQTISOD-MOLIYA, 2015. 198 bet.
2. Файзиев Ш.Н., Дусмуратов Р.Д., Каримов А.А., Кузийев И.Н., Авлокулов А.З. Аудит: Дарслик -Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2015й. – 430 б.
3. Туйчиев А., Қўзиев И., Авлокулов А., Шеримбетов И., Авазов И. Аудит. Дарслик. – Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2019. – 530 б.
4. Кузиев И., Туйчиев А., Хожиев М., Якубов М. Внутренний аудит. “Iqtisod-Moliya”, 2018 г. – 252 стр.”

ҚЎШИМЧА АДАБИЁТЛАР

5. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халкимиз билан бирга қурамыз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 488 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Танкидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 104 б.
7. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини

таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 48 б.

8. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3946-сон Қарори.

10. Одегов Ю.Г., Никонова Т.В. Аудит и контроллинг персонала: учебник. 2-е изд. и доп. – М.: “Альфа Пресс”, 2010. – 672 с.

ИНТЕРНЕТ САЙТЛАРИ

11. <http://www.gov.uz>. (Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали)
12. <http://www.mf.uz> (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги).
13. <http://www.ziynet.uz> (таълим тармоғи)
14. <http://www.lex.uz> (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси).

